



ТОШКЕНТ ОКШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 191 (11.752)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ислоҳотлар оқимида

СИФАТГА ЭЪТИБОР

«Irodat-Tekst» масъулияти чекланган жамиятида маҳсус иш кийимлари тикилади. Сифатли ва чидамли матолардан тайёлранаётган иш либослари қулайлиги, юксак дизайнни билан ахралиб туради.

— «Irodat» савдо белгиси билан ишлаб чиқарётган иш кийимлари буюртмачи талабига жавоб бершига эришаюмиз, — дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директори Шуҳрат Хўжаев. — Шуниси эътиборлики, малакали мутахассисларимиз доимий изланышда, шу боис ҳам ҳар қандай буюртмани сифатли адо эта оламиз. Маҳсулот тайёллашда замонавий дастгоҳлар қувватидан самарали фойдаланимиз. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кўнши давлатлар буюртмаларини ҳам кондираётимиз. Айниқса Россияга экспорт ҳажми ошиб бормоқда.



Харидор талабидан келиб чиқсан ҳолда маҳсулот турларини кўпайтириши, сифатга алоҳида эътибор қаратиш ҳар бир корхонанинг бозорда муносиб ўрин топишида муҳим аҳамият касб этади.



Бугунги кунга келиб корхонада 150 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилиб, ойига 70 миллион сўмга тенг маҳсулот тайёлрамоқда. Буларнинг барчаси тадбиркорлик билан изланнган натижасидир. Давр талабидан келиб чиқсан ҳолда кейинги йилларда бичиш, тикиш, дазмол босиш цехлари юксак унумли дастгоҳлар билан жиҳозланди. Бу иш суръатини ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириши, сифатига эътиборни кучайтириша мухим омил бўлди. Ишлаб чиқаришда пахта матоларидан фойдаланилди. Шу боис ҳам қулайлики шароитимизга мос маҳсулотлар буюртмачиларни мамнун этмоқда.

Маҳсулот турлари хусусида тўхталаш жоиз бўлса, айни пайтда улар 300 дан зиёдни ташкил этиб, костюм, шим, куртка, кўйлак,

футболка, тибиёт ҳалатлари, қўлқоп, шапка, бошка кийим-кечаклар буюртмачи таъкидлашади.

Фаолиятининг ўтган даври мобайнида аниқ мақсадларга эришиб келаётган

корхонада келгуси режалар хам белгилаб олинган. Ишлаб чиқариши кенгайтириши, хорижий буюртмачилар сафини кўпайтириш кўзда тутилган. Бунинг учун тикув фабрикаси бунёд этиш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмокда. Шу асосда ишлаб чиқариши ҳажми ортиб, ўнлаб ишчи ўринлари ҳам яратилади.

Шарифа ИЛЁСОВА
Козим Үлмасов олган суратлар

Ёшлар — келажагимиз

«ZIYONET» НИНГ БЕҚИЁС ИМКОНИЯТЛАРИ

90-мактабда «ZiyoNET»
тармогидан самарали
фойдаланишга оид ўқув-услубий
ишларни такомиллаштириш
масалаларига бағишинан
семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълимни вазирлиги томонидан «Баркамол авлод йили» давлат дастури доирасида ўқувчи-ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида билим олишини раббатлантириш, «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоги ресурсларини янада ривожлантириш, мазкур тармокни имкониятлари ва ахборот ресурсларидан фойдаланиш чора-тадбирларини кучайтиришига оид ишлар жамхи янада кенгайди.

Бугунги кунда юртимиздаги деярли барча умумий ўрта таълим мактаблари ушбу тармокка уланган ахборот-коммуникация технологияларининг сўнгги янгиликлари мунтазам рашидлашади. Айни пайтда соҳадаги янги ижодий лойиҳаларни кўллаб-куватлаш, санъатга умрени баҳшида этган инсонларнинг машқатларини меҳнатини эъзозлаш, театр со-

— дейди пойтахтимиздаги 90-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси Баҳтиёр Каримов. — Буларнинг барчasi илгор технологиялар асосида дарс ўтиш, таълим тизимига оид ҳуқукий-меърий ҳужжатлар, кўллаб янги дарс ишланмалари, маъруза матнлари, масофавий таълим курслари, дарслекларнинг электрон мўкобили билан танишиш, бошка ўкув даргоҳлари, мактабдан ташқари таълим мұассасалари, кутубхоналар, илмий-маърифий мұассасалар билан доимий ҳамкорлик килиш, ўқувчиларнинг компьютер саводхонлигини янада оширишда мухим ўрин туянган.

Мактаблarda яратилган барча имконият ва шароитларни жамоат таълим ахборот тармогидан оқилоно ва унумли фойдаланишга сафарбар этиш, бунда ўқитувчиларнинг касб малякини маҳоратини доимий ошириб бориш, уларни ахборот-коммуникация технологияларининг сўнгги янгиликлари мунтазам рашидлашади. Айни пайтда соҳадаги янги ижодий лойиҳаларни кўллаб-куватлаш, санъатга умрени баҳшида этган инсонларнинг машқатларини меҳнатини эъзозлаш, театр со-

(ЎЗА)

✓ «ТУРКИСТОН» саройида
Ўзбекистон Касаба ўюшмалари
федерацияси ташаббуси билан
уюстирилган «Ҳамшира-2010»
қўрик-танлови голиблари тақдирланди.

✓ «ҚАТАФОН қурбонлари»
музейида олий ўкув юртлари
талабалари иштироқида «Эрк ва ҳуррият жарчилари» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ «СОҒЛОМ авлод учун» ҳалқаро ҳайрия жамғармасида Ўзбекистонда хизмат кўргатсан санъат арбоби А.Батиковнинг «Деразадаги куёш нури» деб номланган шахсий кўргазмаси намойиш этилди.

XXI садоси
аср

БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СҮНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Самарқанд вилояти қон қўиши маркази замонавий тиббий асбоб-ускуна, лаборатория ва мебель жиҳозлари билан таъминланди. 2011 йилдан бошлаб ушбу муассаса миңтақавий марказ сифатида кўнши вилоятлар аҳолиси ҳамда даволаш-профилактика муассасаларига ҳам хизмат кўрсата бошлади.

• Термиз шаҳрида тадбиркор аёллар учун «Ўз бизнесингин бошла ва таомиллаштири» мавзудига семинар ташкил этилди. Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сурхондарё миңтақавий ахборот-таҳлил маркази ҳамда вилоят «Тадбиркор аёл» ўшумаси ҳамкорлигига ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланыётган хотин-қизларнинг ўз бизнесини ривожлантириши учун барча шарт-шароит яратилгани алоҳида қайд этилди.

• Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театрида оилаий ансамбларнинг Республика кўриктанлови бўлиб ўтди. «Баркамол авлод йили» давлат дастури ижроси йўлида бадиий ҳаваскорлик жамоалари сафини кенгайтириш мақсадида ўштирилган мазкур тадбир юқори савияда ўтди.

• Корақалпогистон Республикаси Ҳўжай туманида шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтиосослаштирилган «Глас-Фильд» масъулияти чекланган жамияти иш бошлагач, 120 киши мутахассислиги бўйича иш билан таъминланди. 412 минг АҚШ долларилик инвестиция ҳисобига фаолияти йўлга кўйилган ушбу корхонада шиша идишлар тайёлланниб, буюртмачиларга етказиб берилди.

• Инқирозга қарши чоралар дастури ижроси доирасида Урганч шаҳрида янги шифер заводи иш бошлади. Йилига 600 минг дона шифер ишлаб чиқариш кувватига эга корхона ишга туширилгач, бу ерда элликка яқин киши муким иш жойига эга бўлди. Йил охирiga қадар корхона кувватини иккиси сафина ошириш, жумладан, кўшимча цехлар ташкил этиш режалаштирилган. Бу эса яна 30 нафар ёшни иш билан таъминлаш имконини беради.



ЖАҲОНДА

• Сальвадор президенти М.Фунес кеча 50 йилдан бери илк бор расмий ташриф билан Кубага келди. Бу Сальвадор давлати раҳбарининг кейинги 50 йил ичди Кубага илк ташрифидир.

• Болгария ва Туркия газ-транспорт тизимларини бирлаштириш борасида ўзаро бир тўхтамга келди.

• Кече Япониянинг шарқий кирғозларида Рихтер шкаласи бўйича 4,4 балли зилзила содир бўлди.

• АҚШ адлия вазирлиги «Американ экспресс» компаниясини ракобат тўғрисидаги қонунни бузганилиги учун судга берди.

• Кече Венгрияда кимёвий моддалар ишлаб чиқарувчи корхонада портлаш рўй бериб тўғоннинг бузилиши натижасида етти юз минг кубометрлик заҳарли моддалар ташқарига чиқиб кетган. Шунингдек, бир неча аҳоли пунктлари сув остида қолган. Техноген авария оқибатида иккиси киши ҳалқол бўлган, шунча одам бедарак йўқолган, 60 дан ортиқ киши тан жароҳатлари олган.

• Лондонда, шунингдек, Франция ва Германиянинг йирик шаҳарларида бир қатор террорчилар ҳаракатларининг олди олинди. Маълумотларга кўра тарактларнинг бир вақтда содир этилиши режалаштирилганди. Бирор бир неча давлатларнинг махсус хизматлари саъй-ҳаракатлари туфайли террорчилар ишлаб ғориб олган муддатидан анча аввал бартараф этилди. Бунга асосан АҚШ куролли кучларининг Покистоннинг Вазиристон миңтақасига бир қатор авиация зарбаси берганлиги ва натижада бир неча террорчилар ҳаракатининг тахминий ташкилотчилари йўқ килинганилиги сабаб бўлган.

• Шамол ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг катта станция Буюк Британиянинг Кент графлигига ишга туширилди. Бир миллиард АҚШ долларидан кўп маблағ сарфланган ушбу мажмуда иккиси юз минг хонадонни электр энергияси билан таъминлаб беради.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

№5(206) Тошкент шаҳар табиятни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

Хозирги кунда экология атамаси ҳам табият тўғрисида, табият ва жамият ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи фанлар мажмуасига кирилилган. Айни пайтада экология мактабларда, лицей ва коллежларда, олий ўкув курларида алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда. Бундан мақсад инсонларни экологик оғатдан кутқариш, атроф-табииий муҳит билан муносабатларни ёш авлодга ўргатиш, уларнинг экологик маданиятини юксалтиришга эришишдан иборат.

Авваллари атроф-муҳитни химоялаш ва ундан оқилона фойдалана-

Инсон табият билан узлуксиз муносабатда бўлади. Табиятимиз бой, аммо бу бойликларни асрар, ундан оқилона фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси десак, муболага бўлмайди. Инсон фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири доирасида айниқса тоза сув муаммога айланниб бормоқда.

БЕБАҲО ҲАЁТ МАНБАИ

Сув инсониятга табият томонидан берилган ҳаёт манбаи, бебаҳо бойлик, неъмат ва инъомидир. Сувнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди, у жонли ва жонсиз табиятни бирлаштирувучи муҳим бўйинди.

Тошкент шаҳрининг асосий сув манбалари Чирчик дарёсидан ажралиб чиқсан Бўзсув канали хисобланади. Бўзсув, Корасув, Салор, Анхор, Кайковуслардан чиқадиган 73 та кичик тармоклар шаҳримизни сув билан тўлиқ таъминланади.

Чирчик дарёси Чотқол ва Пском тог дарёларининг кўшилишидан, шунингдек Угам ва Оқсоқота дарёлари ирмоғи бирлашидан ҳосил бўлади. Унинг умумий узунлиги 174 километрни ташкил этади. Тошкент вилоятидан эса Чорвоқ ГЭСи пастроғидан оқиб ўтади. Чирчик дарёси манбаи қор, музилкларнинг эришидан ҳосил бўлган сувлар бўлиб, унинг сарфи мавсумий ёғингарчиларга боғлиқдир. Қиши мавсумда сувнинг сарфи бир меъёрда, ёғингарчилар мавсуми эса март ойида бошланиб, сентябрда туғайди.

Чирчик дарёси кирғоқбўйи зonasини соғломлаштириш, сув ресурсларининг булғаниши ва ифлослантиришнинг олдини олиш мақсадида 2003 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида Чирчик дарёси сувини муҳофаза қилиш зonasи ва кирғоқбўйи чизигини булгилаш тўғрисида қарори қабул қилинди. Карорда белгиланган 44 та тадбирдан 10 таси ҳозирча бажарилмаган. Асосий магистрал каналларни ободлонлаштириш бўйича мажмуавий схема якунига етмоқда. Ер ости сувлари ҳолатининг чуқур ўрганилиши ҳам давом этмоқда.

Тошкент шаҳри ҳудудида 2000 га яқин ер ости кудуклари бўлиб, улар 367 та корхона тасарруфида туради. Шаҳрнинг очик сув хавазларига йилига 637,0 миллион куб метр мидорида оқава сув чиқинилари ташланади.

Табиятни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан бешта асосий магистрал каналлардан 27 та нуқтада 47 та ингридиент бўйича назорат олиб борлади.

Ер ости сувлари ифлосланши даражасини мониторинг қилиш учун кенг тармоқли кузатув кудуклари мавжуд. Уларга «Ўзбекгидрогеология» ДТП ва Тошкент тадқиқот институти хизмат кўрсатади.

Кейинги вақтда сув ҳавзаларини саклаш бўйича анча ишлар қилинди. 1991 йилдан бўён очик сув ҳавзаларига ташлананаётган 43 та манбадан йилига 25,2 миллион кубометр ҳажмида сув иктисолдиди.

«Ўзкабель», «Тоштўқимачи», «18-автосарой», «Тошқишлоқма» акциядорлик жамиятлари, бояшқа корхоналарда очик сув ҳавзаларига чиқарилаётган ташламалар йўқ қилинди. Бунинг учун ўнлаб локал тозалаш иншоотлари курилди.

Айни пайтада Чирчик дарёсини соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Асосий магистрал каналларни ободлонлаштириш юзасидан тегишли ҳаракатлар давом этирилиб, шунингдек ер ости сувларни чуқур ўрганиш, оқава сувларни тозалашда юкори технологик системалардан кенг фойдаланилмоқда.

Дилдора СУЛТОНОВА

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки даврдаёт экологик муаммоларнинг олдини олиш, ушбу масалада қонуний таъсир чегарасини белгилаш мақсадида етарли даражада ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуаси яратилди. Конституциянинг тегишли моддаларида фуқароларнинг атроф-табииий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши белгилаб қўйилган.

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ЛОЗИМ

ниш бўйича тарбибот ишлари амалга оширилмаганлиги, одамларнинг табиятни нисбатан шағфатсиз муносабатда бўлганилиги оқибатида бугунги кунга келиб ер юзида экологик муаммолар долзарб масалага айланниб улгурди. Республикализм ҳам дунё жамоатчилиги диккат марказида турган бъязи экологик муаммолардан холи эмас. Афуски, бъязи раҳбарлар буни яхши англасада, лекин атроф-муҳит мухофазасини таъминлаш

бўйича етарли даражада иш олиб бормаяпти. Саноат ишлаб чиқариш корхоналаридаги атмосфера ҳавосига заарли моддалар чиқарувчи муким ва кўчма манбалар чанг ва газ ушлаш курилмалари билан тўлиқ жиҳозланмаган. Бундан ҳам ачинарлиси, куз пайтида, яъни хаъзорезги даврида дарахтлардан тўкилган баргларнинг ёқилиши, куриш ишларини баъзарни чоғида, кўп қаватли уйларнинг то мини таъмилашда маҳ-

сус қурилмасиз очик аланга олдириб битум эритиш одат тусига кирган. Чунончи, битум ёқилганда, ажралиб чиқадиган қурум, ҳазон ёқилганда ҳосил бўлаш диган аччиқ тутун инсон организмида сил ва саратор касаллигини келтириб чиқариши хеч кимга сир эмасdir.

Долзарб экологик муаммолардан яна бири — туриш саноат ишлаб чиқариш чиқиндарининг тоғдек ўом бўлиб тўпланишидир. Шунингдек, маҳаллалар ва кўп

қаватли уйларнинг атрофида рўзгор чиқиндарининг тартибсиз сочилиб ётиши ҳам бъязан йўл қўйилмоқда. Бундай ҳолатлар инсон саломатлигига хавфтудиривчи юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундай муҳим масалалар ижобий ҳал қилиш учун жамоат тузилмалари, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар ийғинлар мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳаракат қилиши зарур.

Ўқтамжон ХАТАМОВ,
Тошкент шаҳар табиятни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ — МУҲИМ МАСАЛА

Юртимизда таълим соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ҳалқаро стандартлар талабига жавоб берадиган янги педагогик технологиялар татбиқ этилмоқда.

Айниқса таълим жараёнида экологик тизимни шакллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада ҳалқ таълим мининг барча бўйинларида экологик таълимни жорий этиш масаласига катта эътибор қаратилаётгани бежис эмас.

Ёшларимиз улгайган сари табиятга бошқача назар билан қарай бошлайди. Бу ёса, ўз навбатида, ота-оналарнинг ҳам экология ҳақида зарур тушунчаларга эга бўлишини тақозо этади. Бола онгидага табиятни севиш ва уни асрар-авайлаш түйгисини уйғотиш ота-оналарнинг ҳам зиминында мисадиги вазифадир.

Бошлангич синфларда экологик таълим ва тарбия борасида табиятшунослик фани асосий хисобланади, ҳаёт учун зарур бўйини сув, ҳаво, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида билим берилади. Ўқувчи оддий экологик тушунчалар — ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, ҳаво, сув, ер билан илк бор танишиди. Бунда ҳаво инсон ва ер юзидаги барча тирик организмлар учун бебаҳо бойлик ва уни тоза тутиш кераклигини англаб этади. Сув оби-ҳаёт, сувини ҳаёт бўлмаслиги, барча тирик организмларнинг табиятда яшаши учун унинг зарурлиги, инсон сувсиз атиги бир неча кун яшаши мумкинлигини ўқувчиларга

аник маълумотлар асосида тушунтириш керак бўлади.

Ўқувчининг эстетик қарашларини шакллантиришда мактаб ҳудудини ободлонлаштириш, дарахт кўчатлари экиш, кушлар ва ҳайвонлар учун уялар ясаш, ариқларни чиқиндаридан тозалаш каби амалий ишлар алоҳида аҳамиятлидир. Болаларга «ойна жаҳон»да бериладиган экологик тарбия сабоқларига эътибор қаратиш лозим. Атмосферанинг ифлосланаётганилиги, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг муҳофазаси тўғрисидаги фильмлар бериб бўйинишида илова этилган. Безашда Малик Набиев, Темур Сайдуллаев каби расомлар асрарларидан фойдаланилган.

Теварак-атрофни асрар, наботот ва жонворлар дунёсини кўз қорачиғидек муҳофаза этиши ҳар биримиздан алоҳида эътиборни талаб этади. Колаверса, бу хатти-ҳаракатимиз она табият олдидаги муқаддас бурчимиз, масъулиятимиз ҳамдир. Бирок кузатиб, амин бўляпмизки, сиз-у бизни куршаб турган бутун борлиқ экологик муаммолар домига тушиб қолган.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир инсон табиятга ҳурмат билан қараши лозим. Уни асрар-авайлаб, соф ҳолида келажак авладга қолдириш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Дилбар АЛИМОВА

Аслида ирсий касалликларнинг авлоддан авлодга ўтиши, айрим болаларнинг тишлари, сочлари тўкилганлиги ҳам шу сабаблидир. Жаҳон соғлини саклаш ташкилоти маълумоти га кўра, симоб энг юкори заарли моддалар қаторига киритилган, у инсон организмидаги тўпланиб, асаб тизимига, мияга таъсири кўрсатади, жигар ва ошқозон-ичаклар фоалиятни издан чиқаради.

Атроф-муҳит шароитлари оғирлашгач, симоб буғи органик моддалар, металлар, масалан, мис билан бирлиб, булинг оқибатида организмга бўлган таъсири кучаяди ва ирсий оқибатларга олиб келади.

Агар хонада битта люмиинисцент лампаси синса, миайян вақт ўтгач, симоб буғи концентрациясининг организма га бўлган таъсири тегишилашади.

Шамоллатиш билан ходаги симоб таъсирини камайтириб бўлмайди, чунки у фаол сезилувчанилик хусусиятига эга, кўпгина материалиларга шимилиб, ундан ажралиши узоқ вақт давом этади. Симобнинг одамга таъсирини бартарап этиши учун махсус жиҳозларда лампаларни йўқотиш унинг атроф-муҳитига заарли таъсирини 8500 марта камайтиради.

Лампаларни синдириманг, ўзингилини ва яқинларини эҳтиёт килинг. А.Калимбетов, Юнусбод тумани давлат нозари



СИМОБЛИ ЛАМПАЛАРДАН ЭҲТИЁТКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНИНГ

Ҳозирги даврда болаларимиз онгидаги кундузги ёритувчи лампаларнинг зарарли эканлиги тўғрисидаги умуман маълумот йўқ, улар бу лампаларни ҳаттоқи синдиришдан ҳам қўрқмайди.

Ҳозирги даврда болаларимиз онгидаги кундузги ёритувчи лампаларнинг зарарли эканлиги тўғрисидаги умуман маълумот йўқ, улар бу лампаларни ҳаттоқи синдиришдан ҳам қўрқмайди.

Матбаа

«АЛПОМИШ»НИНГ ЯНГИ НАШРИ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти «Алпомиш» ва «Тарихи Рашидий» китобларини мухлисларга тортиқ қилди.

«Алпомиш» достони Фозил Йўлдош куйлаган, Ҳамид Олимжон ёзид олган нусхаси асос қўлинган. Таникли мусаввир В.Кайдоловнинг бетакрор ва мумтоз расмларидан фойдаланилган.

Нашр қарийб 14 минг мисра шеър ва насрый матнин ўз ичига олади. Бошқа нусхалардан мукаммаллиги билан алоҳида жаралиб турдид. Китобга И.Шоймардонов ва Э.Маликовлар мұхаррирлик қилган.

Шу чоқчака рус тилидаги таржимаси орқали бир қадар таниш бўлмиш «Тарихи Рашидий» асари муаззам тарихий манбалардан бирорид. Ушбу асар асли Тошкентда таваллуд топган, Захирiddин Муҳаммад Бобурга қариндош ва замондош бўлган Муҳаммад Ҳайдар Мирзо қаламига мансуб. Марказий Осиё, ҳозирги Ағонистон, Покистон, Хинdistон, Гарбий Хитой ҳудудларида то XVI аср ўрталарига қадар қарийб 300 йил давомида кечган воқеаларни қамраган ушбу асар гўё тарихий шахслар характеристари галерясига ўхшайди. Улкан ҳажмдаги асарга бир қанча миниатюра ва расмлар ҳам зарварақ қўринишида илова этилган. Безашда Малик Набиев, Темур Сайдуллаев каби рассомлар асрарларидан фойдаланилган.

Санъат

ФАЛСАФИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ АСАР

Ўзбек Миллий академик драма театри ўзининг янги мавсумини Ўзбекистон ҳалқ шоири, драматург Жуманиёз Жабборов қаламига мансуб «Ўйқусиз кеча» пьесаси билан бошлади.</p

Спорт янгиликлари

ФАЛАБА БИЛАН
БОШЛАШДИ

Хитойда ёшлар ўртасида футбол бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бошланди.

ҲАМОРТИМИЗ —
ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Курра заминнинг йигирмадан ортиқ мамлакати ёш спортчилари иштирок этган ушбу нуфузли турнир мурасиз курашлар остида кечди.

Кувонарлиси шундаки, унда Ватанимиз шарафини химоя қилган Арслон Мусурмонов жаҳон чемпионатига пухта тайёргарлик кўрганилини ишботлади.



Мот қилиш вақти келди, шекилли...

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг барча соҳа ва тармоқларида ўсиш суръатларига эришилмоқда. Кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари, маъмурий-маданий бинолар, турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Ички бозоримиз замонга яраса шаклланиб, салоҳиятимиз кенгайиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, кенг кўламда амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли турмуш даражасининг юксалиб боришига асос бўлмоқда.

«01»

БУРЧИМИЗНИ
УНУТМАЙЛИК

Моддий-маънавий бойликларимизни асрар, бу борада айниска ёнгин хавфнинг олдини олиш ҳар бир корхона да ташкилотнинг, ҳар биримизнинг зиммамиздаги масъулиятидир.

Ички ишлар бозоримизнинг замонидан туман бўлимлари билан ҳамхижатлика корхона, ташкилот ва муассасаларда, маҳаллаларда ёнгин хавфзилигини таъминлаш мақсадида турли тадбирлар ўтказиб келимоқда.

Ушбу тадбирлар давомида меҳнат жамоаларида, кенг омма ўртасида ёнгин хавфзилиги коидаларини тарғиб этиш орқали бу оғатнинг олдини олишга онгли муносабат шакллантирилади.

Айтиб ўтиш лозимки, мутасадди соҳа вакиллари ҳалқимиз меҳнат маҳсул — моддий бойликларни ёнгидан сақлаш масалаларини маҳалла фаоллари, худудий профилактика нозирлари билан ҳамкорликда ҳал этишид.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ёнгинларнинг аксарияти аҳоли яшаш уйларида носоз ҳолда бўлган газ ёки электр иситиши анжомларидан фойдаланиши, ёнгиз қолдирилган болалар гугурт ва бошқа ёнгин чиқишга олиб келувчи жиҳозларни ўйнаши, спиртли ичимлик истеъмол қилиб ёки сигарета чекиб, ухлал колиши оқибатида содир бўлаётган бўлса, корхона-ташкилотларда йўрүнномалат талабига риоя этилмаслиги, битта электр улагига бир неча кучли кувватга эга бўлган жиҳозлар уланиши натижасида кисқа туташувлар соид бўлиб, ёнгин иззага келмоқда. Бундан ташқари, ҳозирда хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган турли иситиши мосламаларидан фойдаланиш одат бўлмоқда. Ваҳоланки, бу анжомлар ташкилини чиройли бўлгани билан бизнинг шароитимизга мутлақо мос келмайди. Оқибатда қанча-қанча хонандонлар хавф остида қолмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида шаҳарда содир бўлган 1048 та ёнгин оқибатида 23 нафар киши оламдан ўтган, 28 таси — оғир жароҳат олган. Кўрилган моддий зарар мидори эса деярли 582 миллион сўмни ташкил қилид.

Ҳалқимиз мулкини тилсиз ёвдан муҳофаза қилиш, ёнгин хавфзилигини таъминлашда нафқат тегишли соҳа ходими, балки ҳар бир фуқаро фаол бўлмоғи лозимdir.

Улубек ЭРНАЗАРОВ,
ИИБ ёнгин хавфзилиги бошкармаси 20-хўж
каптани

НОН

Тонгги нонуштага оққанд, новвот, шифтга осилган бели ингичка ширадор ҳусайнидан бир бош, ҳар биримизга гулли сопол қосада сузилган қаймок кўйилди. Пахта гулли пиёлаларда тоғ асали-ю бехи мурраббosi.

Зийнатларнинг асли; қаймок ва шириనикларни «ҳаракатга» соладиган энг зарур нарса ҳали дастурхонга қўйилганича йўқ. Бир-биридан тотли мевалар ҳам ўша зарур нарсанни интиқ, зор кутаётгандек.

— Хой, болам, саватдаги нонни ола кет, — тандирдан нон узаётган онамларнинг овозлари бираим ёкимли туйилдики. Саватдаги лолагул, буғи чиқиб турган сўлқілдик нонлардан отамга узатдим:

— Олинг, ушатинг.

Отам нонни ушатиб, тўкин

Катралар

дастурхонга таклиф этди-лар:

— Қани олинглар.

Сўнг кўшимча қилдилар:

— Кечроқ ошибди-да, ҳамир. Нон келмаганига, индамай ўтирудим. Ноннинг ўрни бир бошқача. Шунча ширин нарсаларнинг битасиям унинг ўрнини босомади.

ЯХШИГА
ЯХШИ
ҚЎШИЛСИН

— Ҳаётда нени хуш кўрурсан? — сўради бир одам булбулдан.

— Хуш исли анвойи гулларни.

— Сабаб?

— Шоҳларига кўниб сайрасам, янам яшнаб кетади улар. Фунчалари «чахчах»лаб очилади. Одамлар

хушбўй ҳидларидан баҳра олишса, илҳомим жўшади. Қувончидан сайрайверман.

Булбулнинг сўзини тинглаган одам амалда ҳам кўриди.

— Яхши яхшига кўшилса, бир-бирашнинг қадри ошиб, олам бўстон бўларкан.

ИБРАТЛИ ГАП

Отадан сўрашди:

— Катта ўғлинишнинг топиш-тушиши яхши-ку, рўзғорида файз-барака йўқор. Кичигингизнинг топиши камрок бўлса ҳам, дастурхони тўқин, чиройли. Бонси нима?

— Гапнинг лўндасини айтсан, — деди ота, — катта ўғлиниш нафс хукмронлик қиласи. Кичик ўғлим эса нағисга хукмронлик қиласи.

Фани АБДУЛЛАЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси
давлат-тижорат

ХАЛК БАНКИ

«АНТИКА»
муддатли омонат турини
таклиф этади.

Омонатга тул маблаглари 2 ойга йиллик 24%, 4 ойга йиллик 25%, 6 ойга йиллик 26%, 8 ойга йиллик 27%, 10 ойга йиллик 28%, 12 ойга йиллик 29 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан чекланмаган миқдорда Ҳалқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Омонатда сақланган маблагларга ҳисобланган фоиз даромадлари омонатчининг биринчи талаби бўйича берилади.

ҲАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАҲАСИЗЛИГИ
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!

«ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ» ва
«ВЕЧЕРНИЙ
ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва
якшанбадан ташқари
ҳар куни соат 9.00
дан 16.00 гача
қабул қилинади.

Маълумотлар учун
телефон: 233-28-95.

Факс: (3712)
233-21-56.

Манзилимиз:

Матбуотчилар
кўчаси, 32. 2-кават,
208-хона.

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-ракам
билинг рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табок,
офсет усулida босилади.
263 нусхада босилади.
Коғоз бичими A-2

03-03 ўјғаний
доно бўйурМАШРИҚЗАМИН —
ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

«ФАРОЙИБ УС-СИҒАР»ДАН

Шаръсиз ҳошок аро
хашҳошдекдур, эй ҳаким,
Кўкка чиқсанг жайбинг
ичра субҳай парвин солиб.

* * *

Нуктай тавхидни билган
қила олмас баён —
Ким, баён қилдим деса,
билгилки, қилмайдур билиб.

* * *

Молдин умрунгға осойиш
агар етмас не суд,
Нуҳ умрин ҳосил этсанг,
ганжи Қорун қозганиб.

* * *

Шабнам эрмас, наргис ашқидур,
недин қон йиғламас,
Кўз юмуб-очқунча гулшан
умри поёнин кўруб.

* * *

Навоий кунда чун бир курси
мақсум ортмас, не суд
Фалакдек бўлмогинг саргашта
тун-кун эҳтимом айлаб.

* * *

Даҳр боғида гиёҳи меҳр
ҳаргиз бутмади,
Гар десангким кўрмайин
бемеҳрлик, бу сўзга бут.

* * *

Шаҳди айшинг заҳр этар
гардун, сен ушбу жомдин,
Хоҳ комингни ачит,
ҳоҳи мазоқингни чучут.

* * *

Чекма ун, оҳим кўр, эй
Мажнунки, булбул кўп фифон
Чекти, ўртанган vale
парвона бўлди оқибат.

* * *

Кўп Масиҳодин дам урма,
қил ҳаётингни туфайл
Ангаким, топмиш Масиҳ
анинг туфайлидин ҳаёт.

* * *

...дирамсиз элга бой эл
фарздор бермак закот.

* * *

Яхши эрмас зуҳд
занжирига бўлмоқ пойбаст.

* * *

Не воқеъ ўлса чу
тақдирдин эмас хориж,
Бас ўқтадур қилуридин
кишига бермак ўгут.

* * *

Не учун ашжордин
йиғмиш ўтун, эй боғбон,
Оташин гулдин агар урмас
фалак бўстонга ўт.

* * *

(Давоми бор)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тошкент шаҳар ҳокимлиги шаҳар ҳокими
ўринбосари Низомиддин Баҳтиёровга падари
бузрукори

МИРЗАҚУЛ отанинг

вафоти муносабати билан чукур таъзия изор
этади.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйина
турар жойлардаги почта бўлмиларига ёки
«Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига
мурожаат килишингиз мумкин.

«Шарқ» нашрният-матбаса акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-й.
Хонгурбони

123.5



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-ракам
билинг рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табок,
офсет усулida босилади.
263 нусхада босилади.
Коғоз бичими A-2